



ABOUT THE TOPONYMS IN KAZAKHSTAN NAMED AFTER THE CHAVULDUR TRIBE

Zulpikar Kh. Tuymuradov

Associate Professor, Candidate of Historical Sciences

Department of Technological Education

Karshi State University

tuymurodovzulpigor@gmail.com

Karshi, Uzbekistan

Asel Djumadullayeva

Candidate of Historical Sciences

Department of History

Khoja Akhmet Yassawi International Kazakh-Turkish University

asel.dzhumadullayeva@ayu.edu.kz

Turkestan, Kazakhstan

Shinaz Almazuli

Doctoral Student

Department of History

Khoja Akhmet Yassawi International Kazakh-Turkish University

shynaz.almazuly@ayu.edu.kz

Turkestan, Kazakhstan

ABOUT ARTICLE

Key words: Oghuz State, Oghuz Yabghu State, Oghuzer State, Chavuldur tribe, city of Shavildyr, city of Shavgar, Chavgins, tribal branch, village of Shaldar, Childir, Chandir, Chavundir, Chavundar, Chovdur, toponym, ethnos.

Received: 11.02.26

Accepted: 12.02.26

Published: 13.02.26

Abstract: The article is devoted to identifying the traces preserved as toponyms from the Chavuldur tribe, one of the 24 ancient Oghuz tribes that were part of the Oghuz State along the Syr Darya in the 9th–12th centuries AD. It concludes that the names of cities in Kazakhstan such as Shavildyr and Shavgar (present-day Turkistan), as well as the village of Shaldar, originate from the name of this tribe and its branches.

ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ЧАВУЛДУР УРУҒИНИНГ НОМИ БИЛАН АТАЛАДИГАН ТОПОНИМЛАР ҲАҚИДА

Зулпикар Х. Тўймурадов

Доцент, т.ф.н.

Технологик таълим кафедраси
Қарши давлат университети
tuymurodovzulpiqor@gmail.com
Қарши, Ўзбекистон

Асель Джумадуллаева

Т.ф.н.

Тарих кафедраси

Хожа Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университети

asel.dzhumadullayeva@ayu.edu.kz

Туркестан, Қозоғистон

Шиназ Алмазули

Докторант

Тарих кафедраси

Хожа Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университети

shynaz.almazuly@ayu.edu.kz

Туркестан, Қозоғистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўғуз давлати, Ўғуз ябғулиги, Ўғузлар давлати, Чавулдур уруғи, Шавилдир шаҳри, Шавғар шаҳри, Чавғинлар, уруғ тармоғи, Шалдар қишлоғи, Чилдир, Чандир, Чавундир, Чавундар, Човдур, топоним, этнос.

Аннотация: Мақола эрамининг IX-XII асрларида Сирдарё бўйидаги Ўғуз давлати таркибида бўлган 24 қадимги ўғуз уруғларидан бири - Чавулдур уруғидан топонимлар сифатида қолган изларини аниқлашга бағишланган. Унда Қозоғистондаги Шавилдир, Шавғар (ҳозирги Туркистон) каби шаҳарлар ҳамда Шалдар қишлоғининг номлари шу уруғ ва унинг тармоқлари номидан келиб чиққанлиги ҳақида хулоса қилинган.

ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ МОЛОДЕЖИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ СТАБИЛЬНОСТИ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ

Зулпиқар Х. Туймурадов

Доцент, кандидат исторических наук

Кафедра технологического образования

Қаршинский государственный университет

tuymurodovzulpiqor@gmail.com

Қарши, Ўзбекистон

Асель Джумадуллаева

Кандидат исторических наук

Кафедра истории

Международный казахско-турецкий университет имени Ходжи Ахмеда Яссави

asel.dzhumadullayeva@ayu.edu.kz

Туркестан, Қазақстан

Шиназ Алмазули

Докторант

Кафедра истории

Международный казахско-турецкий университет имени Ходжи Ахмеда Ясави

shynaz.almazuly@ayu.edu.kz

Туркестан, Казахстан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: Огузское государство, Огузское государство Огузер, род Чавулдур, город Шавилдир, город Шавгар, чавгины, ветвь рода, село Шалдар, Чилдир, Чандир, Чавундир, Чавундар, Човдур, топоним, этнос.</p>	<p>Аннотация: Статья посвящена выявлению следов, сохранившихся в виде топонимов от рода Чавулдур — одного из 24 древних огузских родов, входивших в состав Огузского государства на берегах Сырдарьи в IX–XII веках н. э. Делается вывод о том, что названия городов Казахстана, таких как Шавилдир и Шавгар (ныне Туркестан), а также села Шалдар происходят от названия данного рода и его ветвей.</p>
--	---

Кириш. Туркийлар тарихини ўрганиш улар таркибидаги юзлаб қадимги уруғлар ва улар тармоқлари тарихини ўрганиш билан боғлиқдир. Шулардан бири Чавулдур бўлиб, у энг қадимги 24 ўғуз уруғларидандир. Бу ҳақда XI асрда яшаган Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида [1-89, 91 б.], Фазлаллаҳ Рашид ад-Диннинг ўғузномасида [2], Хива хони Абулғозихоннинг “Шажараи тарокама” асарида [3-11...13 б.] ва бошқа манбаларда келтирилган.

Манбалар Ўғузхондан кейин ҳам ўғузлар ва уларни ташкил қилувчи уруғларининг Евросиё саҳросида, шу жумладан, ҳозирги Қозоғистон ҳудудида яшаб келишгани ҳамда бу ҳудудда давлатлар тузишгани ҳақида хабарлар бермоқда. Ўзбек олими профессор Аблат (Абдулаҳат) Хўжаев милоддан аввалги XI-II асрларда Урал тоғининг жануби-шарқий ёнбағирларидан Тангритоғ (Тян-Шань) этаклари, Шарқий Туркистон - ҳозирги Хитойнинг ғарбий ҳудудларини ўз ичига олган улкан давлат яратган юэчжилар - ўғузлар эканини аниқлаган. Бу халқ давлатининг номи қадимги хитой тилида “Юэчжи” шаклида талаффуз қилиниб, бу сўз “Ўғузер” деган маъно беришини исботлаган [4-181...192 б.]. Шунингдек, рус олими Николай Гумилёвнинг Орол билан Каспий денгизи ўртасида эрамизнинг V-IX асрларида яъни Турк ҳоконлиги даврида Ўғуз ябғулиги бўлганлиги [5-Хариталар] ҳақида маълумот бериши, қарлуқлар тарихини тадқиқ қилган Карим Шониёзов [6-35 б.] ҳамда ўғузлар тарихини тадқиқ қилган Сергей Агажановларнинг илмий ишларида IX-XII асрларда Орол ва Сирдарё бассейнида Ўғуз давлати бўлганлигини [7-49...85 б.] кўрсатишларини бунга мисоллар тариқасида келтириш мумкин.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, ҳозирги Қозоғистон ҳудудида ўғузлар ҳамда улар тармоқларидан бири бўлган чавулдурлар кўп асрлар давомида яшаб келганлиги ҳақида

хулоса қилиш мумкин. Шу боис чавулдурларнинг бу ҳудудда қолдирган изларини аниқлаш тарихчилар ва элшуносларда катта қизиқиш ўйғотиши табиийдир.

Тадқиқот усуллари. Ҳозирги Қозоғистон ҳудудидаги ўғузларнинг Чавулдур уруғи номи билан аталадиган топонимларни аниқлашда шу ҳудудларда яшаган этнослар ҳақидаги тарихий, археологик ҳамда этнографик маълумотлар хронологик тартибда ўрганилди, таҳлил қилинди ҳамда жамланиб хулосалар қилинди.

Ўғузлар тарихи ҳақида Маҳмуд Қошғарий [1], Рашид ад-Дин [2], Абулғози Баҳодирхон [3], Абдулаҳад Хўжаев [4], Николай Гумилев [5], Карим Шониёзов [6], Сергей Агажанов [7], Султанша Атаниязов [9; 13], Обод Жўрақулов [9], Ғайбулла Бобоёров [11], Мухтар Қожа [14], Меҳмет Калкан [17]ларнинг илмий ишлари, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси [8-“Ч” ҳарфи. 20 б.], википедия [10; 12; 15; 16] ва интернетдан олинган бошқа материаллар [18; 19] ўрганилди.

Натижалар. Тадқиқот объекти сифатида қаралаётган уруғнинг номи манбаларда турли шаклларда берилган бўлиб, кўпчилик туркшунос тадқиқотчилар этнос номининг асосийси сифатида “чавулдур” шаклини танлашган. Биз ҳам шу анъанани давом эттирамиз. Чавулдур уруғи ёки унинг тармоқлари номидан келиб чиқиши тахмин қилиниши мумкин бўлган Қозоғистон ҳудудидаги топонимларга алоқадор тарихий маълумотларни хронологик тартибда келтирамиз, таҳлил ҳамда хулосалар қиламиз.

Бирор ҳудуддаги топонимлар бирор бир уруғнинг номи билан аталганлиги тан олинishi учун бу уруғ вакиллари шу ҳудудда яшаганлиги асос сифатида қаралиши мумкин. Юқорида Қозоғистон ҳудудида, Орол денгизи атрофида ва Сирдарё бўйида Ўғуз давлатлари бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни келтирдик. Қуйида эса бу давлатлар таркибида чавулдурлар бўлганлигини тасдиқлайдиган маълумотларни келтирамиз:

- “Чавулдур” номининг “Чавундир” шакли ҳам бўлиб, бу номнинг қисқартириб айтилишидан ҳосил бўлган “чандир”лар ҳақидаги Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясидаги маълумотларга эътибор қаратайлик: “ЧАНДИР - туркий қабил. VIII-IX асрларда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида, Орол денгизининг жанубидаги чўлларда яшовчи ўғузлар таркибида бўлганлар” [8-“Ч” ҳарфи. 20 б.];

- С.Г.Агажанов ўзининг “Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX-XIII веках” номли китобида “Тарихи Ал-и Селжук” номли қўлёзмадан ва “Ўғузнама”нинг усмонлилар версиясидан иқтибос келтириб салжуқий ўғузлар уюшмаси Туркистон (шаҳри) атрофида Қоратов ва Сяғноқда шаклланганлигини ёзган. Улар қўшинининг ўнг қанот беклари кайи ва баёт саркардаларидан, чап қанот беклари эса печенег ва чавундар саркардаларидан қўйилганлиги ҳақида маълумот берган [7-115, 174 б.]. Бу иқтибосда “чавундар” - “чавулдур”нинг талаффузда ўзгарган шакли сифатида қаралмоғи лозим;

- XII асрнинг ўрталарида салжуқийлар билан бирга кетмаган ўғуз туркманларининг акман, караман, теке, човдур ва ёмуд уруғлари вакиллари Қоратау ясси тоғлари ва Сирдарёнинг ўрта оқимларидаги яшаш жойларидан Нурота, Хўросон ва Манғишлоққа кўчиб ўтишган [7-229 б.]. Бу иқтибосда “човдур” - “чавулдур”нинг талаффузда қисқартирилиб айтилиши сифатида қаралмоғи лозим;

- Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи тарокима” асарида чавулдурлар ҳақида куйидаги маълумотлар келтирилган: “Урганч яқинида Янгикент ҳукмдори Алихоннинг ўғли туркманлар подшоҳи Шох Малик ва туркман саркардаси Қирқутбек кўшини ўртасидаги улуғ урушдан сўнг кўп эл Манғишлоқ кетдилар. Кўпрақи аймир ва дукар ва игдир ва чавулдур ва қарқин ва салур ва ағар эди” [3].

- Ўғуз давлати таркибидаги чавулдурларнинг Манғишлоққа кетганликлари ҳақидаги маълумотлар туркман этнографи С.Атаниязовнинг чандирлардан етишиб чиққан тарихчи олим, профессор О.Жўракуловга берган маълумотлари билан ҳам тасдиқланмоқда [9-11 б.].

Юқоридаги маълумотлар Орол денгизи атрофида, Сирдарёнинг ўрта ва куйи оқимларида V-XII асрларда ҳукм сурган Ўғуз ябғулиги, Ўғуз давлати таркибида Чавулдурлар ҳамда уларнинг турли номлар билан аталиб келинган тармоқлари бўлганлигини тасдиқлайди. Шундай экан, бу номларга ўхшаш топонимларни Қозоғистон худудидан қидириб кўрайлик.

Қозоғистоннинг Туркистон вилояти Ўтрор туманининг маъмурий маркази Шавилдир (қозоқ алифбосида Шәуілдір, русчаси Шаульдер, қадимги туркийчада Чавулдур) деб аталиши ўғузшунослар нигоҳидадир [10; 11; 12; 13-8 б.]. IX-XII асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерлар Ўғуз давлатининг таркибида бўлганлиги Шавилдир шу давлат шаҳарларидан бири бўлганлигини исботлайди. Шунингдек, Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий номидаги қозоқ-турк университети доценти Мухтар Қожа ўзининг “Ортағасырлық Отырар: аңыздар, деректер, зерттеулер” номли китобида Шавилдир атрофидаги каналлардан бири ҳам шу ном билан аталганлиги, бу ном Сирдарё бўйида яшаган ўғузлар замони билан боғлиқлиги ҳақида ёзган. Қозоқ шоири А.Әлімов ўзининг “Шаміл-Дүр (аңыз - дастан)” номли шеърида Шавилдир номини “одам топмас” деб аташи [14-54...55 б.] ҳам бу номнинг қадимийлигига ишорадир.

Бу шаҳар номи чавулурлар номидан олинганлиги ҳақида Туркменистонлик профессор С.Атаниязов ҳам маълумот берган [13-8 б.]. Шавилдирнинг яқинида Баялдир номли жой бўлганлиги эътиборга молик, чунки баяндирлар ҳам чавулдурлар сингари ўғузлардан бўлиб, ўғузлар шажарасига кўра Баяндир ва Чавулдур Ўғузхоннинг Кўкхон ўғлидан бўлган неваралари, яъни ака-укалардирлар. Ўғузхоннинг неваралари бош бўлган уруғлар, шу жумладан баяндир ва чавулдурлар ҳам уларнинг номлари билан аталиб келинган.

Қозоғистоннинг Туркистон вилояти Байдибек туманида, Сасикозен дарёси бўйида, Чимкент-Туркистон трассасида Шалдар номи қишлоқ бўлиб [15], бу қишлоқ номи ҳам Чавулдирнинг қозоқча талаффуздаги қисқартмаси бўлиши мумкин. Туркияда чавулдирларнинг бир тармоғи ҳисобланаётган “чилдир”лар бор [17; 18; 19]. “Шалдар” “чилдир”нинг қипчоқ-қозоқча талаффузига ўхшашти.

Википедияда ҳозирги Туркистон шаҳри XVI асрдан бошлаб шу ном билан аталиб келинаётганлиги кўрсатилган. XII-XVI асрларда шаҳар номи Ясси бўлганлиги ҳақида Шарафуддин Али Яздийнинг „Зафарнома“сидан иқтибос келтирилган. Араб географлари асарларида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда эса, ундан олдин IV-X асрларда бу шаҳар Шавгар (Шоважар) деб аталганлиги таъкидланган [16]. Бу даврларда Сирдарё бўйида ўғузлар давлатлари ҳукм сурганлиги “шаҳарнинг Шавғар номи чавулдурлар номи билан боғлиқ эмасмикан” деган фикр уйғотади, чунки бу сўзларнинг ҳар иккаласининг маъно шакллантирувчи биринчи бўғини “чав (шав)” бўлиб, у қадимги туркийчада “шухрат, овоза” деган маънони беради [20-116 б.]. Бу фикрни кучайтирадиган яна бир ҳолат бор. Гап шундаки, Туркияда чавулдирларнинг яна бир тармоғи бўлмиш чавғинларнинг авлодлари яшайди [17; 20-110 б.]. Агар чавғинлар яшашгани учун бу шаҳар “Чавғинлар” деб аталган бўлса, кейинчалик қисқартирилиб шаҳар номи “Чавғар”, қипчоқча талаффузда эса Шавғар деб аталиб кетилган бўлиши туркий тилшунослик анъаналарига хос ҳодисадир.

Туркия олимлари Ўғузхоннинг тўртинчи ўғли Кўкхондан тарқаган чавулдур/чавулдир уруғининг чавдир, чавғин, чандир, чилдир, чавдар, чоғундур каби номлари ҳам борлигини эътироф этиб келишмоқда [17; 18; 19; 20]. Султоншо Атаниязов Туркменистонда ҳам туркманларнинг қарадашли тайпаси (уруғи) сатикли уруғи (шоҳаси) таркибида чилдир тиреси (тармоғи) борлигини кўрсатган [13-19...20 б.]. Ушбу маълумотлар ҳам “Шавилдир” номи “чавулдур”дан, “Шавғар” номи “чавғинлар”ни қисқартирилиш натижасидан, “Шалдар” номи эса “чилдир”дан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикрларни асослашга хизмат қилади.

Ўғузлар тўлиқ кўчманчилар бўлишмаган. Деҳқончилик билан шуғулланиш имконияти бўлган ҳудудларда шаҳарлар қуришган. Бунга мисол тариқасида Янгикент, Женд, Ўтрор, Фароб, Шавилдир, Шавғар каби шаҳарлар ва Шалдар каби қишлоқларни келтириш мумкин. Давлатларининг таназзулидан сўнг ҳам ўтроқ ўғузлар Сирдарё бўйларида бу ҳудудларга кейин келган аҳоли билан аралашиб яшайверишган. Сергей Агажанов берган маълумотларига қараганда “Чингизхон қўшинлари Ўрта Осиёга кириб келганда Сирдарё бўйидаги Ўғуз давлати қолдиқларини ташкил қилувчи туркманлар Фаробдан Оролгача бўлган ҳудудларда яшашган” [7-252...253 б.].

Сирдаё бўйидаги баъзи шаҳар, қишлоқ (масалан Туркистон шаҳри) аҳолисининг шеvasида ўғуз-туркманларга хос тил унсурлари, антропологиясида ирқий белгиларининг ҳозиргача сақланиб келаётганлиги ҳам бу ҳудудларда ўғуз-туркманлари Ўғуз давлати таназулидан сўнг ҳам яшаб қолганликларининг исботидир.

Хулоса. Тарихий манбалардаги маълумотлар таҳлили Орол денгизи атрофида, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида эрамининг V-XII асрларида ҳукм сурган Ўғуз ябғулиги, Ўғуз давлати таркибида туркий ўғуз уруғларидан бўлган чавулдурлар яшаб келишганлигини тасдиқлайди. Қозоғистондаги баъзи топонимлар шу уруғ номи билан боғлиқлиги шубҳасиздир. Булардан бири Шавилдир шаҳрининг номи чавулдур уруғи номининг қипчоқ-қозоқча талаффузи бўлса, ҳозирги Туркистон шаҳрининг қадимги номи Шавғар чавулдирларнинг “чавғинлар (қипчоқчасига-шавғинлар)” тармоғи номини қисқартирилгани, Шалдар қишлоғи номи эса “чилдир” тармоғи номининг қипчоқ-қозоқча талаффузи эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.ziyouz.com. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Солих Муталибов таржимаси. 3 томлик, I том. Т.: “ЎзФА нашриёти”, 1960 - 499 б.
2. Фазлаллах Рашид ад - Дин. Огуз - Наме. Перевод с персидского, предисловие, комментарии, примечания и указатели Р.М.Шукюровой. Баку “Элм” 1987.
3. www.ziyouz.com. Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи тарокима. Нашрга тайёрловчи Қозоқбой Махмудов. 1995 - 28 б.
4. Хўжаев.А. Фарғона тарихига оид маълумотлар.Фарғона, 2013.
5. Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. Б.Ўрдабекли, А.Айритомий таржимаси. - Т.: “Фан”, 2007.
6. Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. - Т.: “Шарқ”, 1999.
7. Агаджанов С.Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX-XIII вв. / Ашхабад: Ўлим. 1969 - 297 б.
8. www.ziyouz.com. кутубхонаси. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашириёти. Тошкент.
9. Жўракулов О. Чандир туркманлари. Тошкент. “Фан”. 1992.
10. https://ru.wikipedia.org/wiki/%Човдур_%28племя%29.
11. <https://www.youtube.com/live/3SpGvR8Qe4k?si=agtiYru7gx4vnUAi> . Qardoshlar - Anado'lu turklari #fikratuz.
12. <https://ru.wikipedia.org/wiki/> . Шаульдер# История.
13. Ataniyazov S. Türkmen boylarinin geçmişi, ýaýylyşy, bugünkü durumu ve gelejegi. <https://bilig.yesevi.edu.tr/yonetim/icerik/makaleler/3475-published.pdf>.

14. Мұхтар Қожа. Ортағасырлық Отырар: аңыздар, деректер, зерттеулер. Яссавий номидаги Қозоқ-Турк университети, Туран, 2006. 200 б.
15. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Шалдар> .
16. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Turkiston_\(shahar\)](https://uz.wikipedia.org/wiki/Turkiston_(shahar))
17. <https://youtu.be/hJzddqT2bdA?si=uC92GUjN4BWvA-Sy> . Mehmet Kalkan. Oğuz boyları, türklerin soy ağacı.
18. www.youtube.com. ÇAVULDUR TÜRKLERİ // Türk Oğuz Boyları.
19. <https://ne-np.facebook.com/> . Üçoklar २००९ डिसेम्बर ६ मा १०:४५ बजेसार्वजनिक.
20. Зулпикар Туймурадов. Туркийлар тарихида Чандир уруғининг ўрни. /Монография/. - Қарши 2025. 178 б.